
Икром Юсупович Фазилов,

**Мақола 2017 йил 15 декабрда қабул қилинди,
2018 йил 29 январда әзіл қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги Академияси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-1-8>

ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ДОИР НОРМАЛАР ТАХЛИЛИ ВА УЛАРНИ ҚҮЛЛАШ АМАЛИЁТИДАГИ МУАММОЛАР

Аннотация: мақолада жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишига доир нормалар таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳуқуқни қўллаши амалиётидаги муаммолар ва уларнинг илмий ечими баён қилинган. Хусусан, жиноят сабаблари ва жиноят шароитлари тушунчаларининг таърифи баён қилинган. Амалиётда жиноятнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиши борасида мавжуд бўлган камчиликлар тизимли равишда ёритилган. Жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини бартараф этиши борасидаги ишлар устидан прокурор ва суд назоратини ўрнатишнинг самарали механизmlарини жорий этиши таклиф этилган.

Калит сўзлар: жиноят сабаблари, жиноят шароитлари, ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиши.

Аннотация: в статье проведён анализ норм, касающихся пресечения причин и условий преступлений. Кроме того, изложены проблемы и научное решение правоприменительной практики. В частности, изложено определение понятий причин и условий преступления. Системно освещены, имеющихся недостатки по выявлению и устранению на практике причины условий преступлений. Предложены эффективные механизмы внедрения прокурорского и судебного надзора за устранением причин и условий преступлений.

Ключевые слова: причины преступлений, условия преступлений, результаты правонарушений, раннее предупреждение правонарушений, пресечение причин и условий преступлений.

Annotation: the article deals with the analyses of the norms concerning elimination of reasons and conditions of crimes. Besides, problems and scientific solutions of law enforcement practice are mentioned. The article mainly deals with the determination of the notion of causes and conditions of crimes. The author systematically reveals the lacks on detection and prevention the causes and conditions of crimes committed in practice. Some proposals and recommendations of effective mechanism on establishing procurator's and judicial supervision for prevention the causes and conditions of crime are worked out.

Keywords: reasons of crimes, conditions of crimes, results of delinquency, early prevention of delinquency, elimination of reasons and conditions of crimes.

Жиноятчиликка қарши курашда самарали натижаларга эришиш, унинг миқдорини энг паст даражагача тушириш, салбий оқибатларини камайтириш учун жиноятларнинг сабаб

ва шароитларини ўрганиш лозим. Айнан жиноятларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ва умумлаштириш орқали уларнинг содир этилишини тақозо қиласиган, уларни озиқлантирадиган,

кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар аниқланади ҳамда уларни бартараф қилиш чоралари ишлаб чиқилади.

Жиноят сабаблари - жиноятнинг содир этилишини тақозо қиласидиган, уни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йифиндиси бўлса, жиноят шароитлари эса, жиноятни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин унинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади. "Сабаблар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий-психологик ҳолатлар бўлса, шароитлар эса иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолатлар ҳисобланади"(2, с. 83).

Республикамиз биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда, "биз жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан фавқулодда чоралар кўрар эканмиз, салбий ҳодисаларни вужудга келтираётган, одамларни, айниқса, ёшларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар кўчасига киришга мажбур этаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий сабабларни, илдизларни топиш, уларни бартараф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз"(1, с. 222).

"Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатdir"(5).

"Ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси жиноятларни барвақт аниқлаш ва олдини олишдан иборат"(6). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли?арори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

тўғрисида"ги низомда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон яратувчи шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш, уларни, шу жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни бажариш учун Ички ишлар вазирлиги қўйидаги функцияларни амалга оширади:

- ички ишлар органлари фаолиятини юридик таъминлаш ва уларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликка риоя этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари бўлган омилларни аниқлашни таъминлаш, шунингдек уларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш;

- қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда киритиш;

- ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, улар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш(4).

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексиVI бўлими,

36-боби(3) жиноятларнинг олдини олиш чораларига бағищланган бўлиб, унда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти (296-м.), жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси (297-м.), жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг хусусий ажрими (298-м.), тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбурияти (299-м.), фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида тақдимнома ва хусусий ажрим (300-м.) билан боғлиқ масалалар тартиба солинган.

Жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт (296-м.).

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади (297-м.).

Жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан,

жамоат бирлашмаларидан, жамоатлардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қиласди (298-м.).

Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоат ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичидаги тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт. Тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки вижданан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади (299-м.).

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор - тақдимнома, суд эса, хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин (300-м.).

Жиноят-процессуал нормалар таҳлили шуни кўрсатадики, юқоридагилардан ташқари Жиноят-процессуал кодексининг бошқа моддаларида ҳам жиноят ишини юритиш чоғида жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, жиноятларнинг олдини олишга доир нормалар белгиланган.

Хусусан:

- жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби жиноятларнинг олдини олишга ёрдам қилиши (2-м.);

- жиноятларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилиши тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари томонидан ўз ваколатлари доирасида назорат қилиниши (37-м.);

- жиноятнинг келиб чиқиши сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишида мутахассис суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши шартлиги (70-м.);

- терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилиши, жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилиши (349-м.);

- жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиши (21-м.);

- жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўгрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши (271-м.);

- экспертнинг ёки эксперлар комиссиясининг хулосасида ҳуқуқ-бузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши (184-м.);

- прокурор ёки унинг ўринбосари терговчидан айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганигини ҳамда уларга барҳам бериш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини текшириши шартлиги (384-м.);

- ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши (82-м.);

- судда жиноятга доир ишларни кўришида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида прокурор ўз фикрини билдириши (409-м.);

- жиноятнинг сабаблари айблов ҳукмининг тавсиф қисмida кўрсатилиши (467-м.).

Таҳлиллар юқоридаги аксарият нормаларнинг ижроси амалиётда талаб даражасида таъминланмаётганлигидан далолат беради. 2017 йилнинг дастлабки олти ойи давомида республикамиз вилоятларида ИИВ Академияси мутахассислари иштирокидаги ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилган ўрганишлар асосида айтиш мумкинки, баъзи тергов бўлинмаларида жиноятларнинг асл сабаб ва шароитларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш ишлари тизимли равища йўлга қўйилмаганлиги, бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга

оширилмасдан, ишларни юзаки, сифатсиз ва расмиятчилик учун бажариш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай салбий ҳолатларга қўйида-гиларни киритиш мумкин:

- тақдимномаларни жиноятларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини бартараф этишга масъул бўлган барча ташкилотларга юборилмаганлиги, фақат айбдорнинг яшаш жойига, иш ёки ўқиши жойига юбориш билан чекланилганлиги;
- тақдимномаларнинг муҳокамалида терговчиларнинг ўzlари иштирок этмаганлиги;
- тақдимномаларга жавоблар берилмаганлиги ёки белгиланган муддатдан кеч берилганлиги;
- тақдимномаларнинг жавобларини сохталашибилиши, хусусан тақдимноманинг муҳокамаси ўтказилмаслиги, ўzlари юборган тақдимномаларга терговчиларнинг ўzlари сохта жавоб ёзиши;
- тақдимномаларда жиноятларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоратадбирларни амалга ошириш сўралсада, ушбу омиллар аниқланмасдан, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўрилмасдан қолинганлиги, фақат муҳокама қилиш ва йиғилиш баёнида умумий фикрларни келтириш билан чекланилганлиги;
- тақдимномалар бўйича кўрилган чораларнинг профилактик таъсири етарли даражада эмаслиги, аксарият ҳолларда муҳокама қилиш билан чекланиб қолинганлиги боис, хизмат вазифаларига масъулиятсизлик ва лоқайдлик билан ёндошган масъул шахсларга интизомий таъсир чоралари қўлланилмаганлиги, жиноят содир этган ишламайдиганларнинг бандлиги таъминланмаганлиги, тарбияси оғир

ёшларларга мураббий бириктирилмаганлиги, мавжуд оилавий-маиший низоларни бартараф этиш чоралари кўрилмаганлиги, бошқа туман (шаҳар)лардан келиб жиноят содир этган фуқароларнинг доимий яшаш манзилларида муҳокамалар ўтказилмаганлиги ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидаги қўйидаги фикрлари кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳақиқий манзарасини яққолифодалайди:

- "...профилактика инспекторлари, маҳалла вакиллари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараётгани ҳам жиноятларнинг олдини олиш самарасини пасайтируммоқда";

- "Самарқанд шаҳридаги 33 та маҳаллада содир этилган жиноятларнинг камида ярми муҳокама этилмаган. Аксарият маҳаллаларда муҳокамалар номига, фақат ҳисобот учун ташкил этилган";

- "Маҳалла вакиллари, профилактика инспекторлари ўз ҳудудларида уйма-уй юрдик, оилалардаги аҳволни ўргандик, деб ҳисобот беришади-ю, лекин ҳақиқий вазиятдан уларнинг мутлақо хабари йўқлиги таҳлиллар жараёнида яққол аён бўлмоқда";

- "Огоҳлантириб айтмоқчиман: бундай сохта ҳисоботлар билан ишлайдиганлар қонун бўйича тегишли жазосини албатта олади. Президент сиёсатини обрўсизлантирадиган бундай кўзбўямачиликларга ҳеч қачон йўл қўйилмайди"(6).

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилишини асл сабаб

ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ишларини тизимли ва самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддаси (жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси)даги "тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади" деган жумлани "тақдимнома ва унга жавоб хатининг нусхаси ишга қўшиб қўйилади" деган таҳрирда баён этиш таклиф этилади. Чунки қонунда тақдимномага жавоб хатининг ишга қўшиб қўйилиши

белгиланмаганлиги жиноятларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш ишларини юзаки, сифатсиз ва расмиятчилик учун бажаришга ҳамда бу борадаги юқорида кўрсатилган камчиликларга йўл қўйилишига омил бўлмоқда. Тақдимномага жавоб хатининг ишга қўшиб қўйилишини мажбурий талаб сифатида қонунда белгиланиши жиноятларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш борасидаги ишларни сифатли амалга оширилишини, мазкур жараён устидан прокурор ва суд назоратини ўрнатишнинг самарали механизмларини жорий этишга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: "Ўзбекистон", 2011.
2. Kriminologiya. Umumiy qism: IV oliy ta'lim muassasalarini uchun darslik / I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova, I.Yu. Fazilov. - T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сон "Ички ишлар органлари фаолиятини янада тақомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" гикарори // URL: <http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йигилишидаги нутқи // Халқ сўзи. - 2017. - 15 ноябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. - 2017. - 10 ноябр.